ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР:

• ҲАР ТУП ҒЎЗА СУВГА ҚОНСИН • ҲАШАРОТНИ ҚИРИБ ТАШЛАНГ • КУЛЬТИВАЦИЯ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЎТҚАЗИНГ • БУТУН КУЧ—МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШГА САФАРБАР ЭТИЛСИН.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-йил чиқиши.

№ 139 (5488).

17 июль

Пайшанба

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ИШСИФАТИ— ҲОСИЛ БАРАКАСИ

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз ўртача хўжалик. Лекин ҳосилдорликда район даражасидан орқада. Райондаги ўртоқлар бу йил колхозда қилинаётган ишлар анча дуруст, ўтган йилдагига нисбатан ҳосилдорликни район даражасидан анча ошириш учун замин яратдилар, дейишди.

Бу гап шубҳасиз, тўғри. Чунки, тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида КПССнинг бўлажак XXV съезди шарафига юксак мажбурият олган колхозчилар ҳар қачонгидан ҳам яхши меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун улар ҳар гектар майдондан пландаги 22,2 ўрнига 38 центнердан ҳосил оламиз, планга нисбатан ҳосилдорликни 15,8, бултургига нисбатан етти центнер оширамиз демоқдалар. Чунки, бу йил кўчат сероб.

Абдукарим Ахтамов, Баҳром Эргашев, Мамат Буканов бошлиқ бригада аъзоларининг ниятлари бундан ҳам зўр. Улар гектаридан 39—41 центнердан ҳосил олишга ваъда берганлар.

Колхозда намунали ишлаб ҳурматга сазовор бўлган сувчилар оз эмас. Карим Ражабов, Нишонбой Бойқўзиев, Туроб Ҳидиров сингари сувчилар шулар жумласидандир.

Ғўзанинг ривожи, кўчатни сақлаб қолиш сифатли культивацияга боғлиқ. Бу ишда Мамадали Отахонов, Ҳасан Жўраев, Раҳимберди Абдураҳмонов, Шоюсуф Қўчқоров каби механизаторлар намунали ишламоқдалар.

Лекин, бу фактларга қараб колхозда ҳамма иш жойида деб бўлмайди. Ҳали айрим карталар ўтдан тўла тозаланмаган. Баъзи карталарга вақтида сув таралмаганидан ғўза тепасидан гуллай бошлаган. Қисман ерларда экин сийрак. 3 ва 6-бригаданинг айрим карталарида ғўзалар чанқаб ётипти. 5-бригаданинг 13 гектарли картасини бир қисм ерига ўргимчаккана, кўсак қурти тушган. Айрим бригадаларда далада ишлаб турган колхозчиларга яхши гамхўрлик қилинмаяпти, деса бўлади. Масалан, учинчи бригадада иссиқ овқат қилиб берилмайди. Умуман бу колхозда дала шийпонларининг тайини йўқ. Колхозчиларга қулай маиший шароит яратилмаган.

Ўтган йили оққўрғонликлар пахтанинг таннархини камайтириш тўғрисида яхши ва ибратли ташаббус бошлаган эдилар. Бу йил ана шу ташаббус кун тартибидан тушгани йўқ. Район бўйича пахтанинг таннархини камайтириш ҳар бир хўжаликнинг фаолиятига, технология картада белгиланган сарф-харажатлардан ошиқ маблағ сарфламасликка боғлиқ. Аммо, Охунбобоев номли колхозда белгиланган миқдордан ошиқ ҳаражат қилмасликка риоя қилиняпти, деб бўлмайди. Масалан, ўтган олти ой мобайнида бултургидан 16 минг сўм кўп маблағ сарфланган.

Партия ва ҳукуматимизнинг гамхўрлиги туфайли пландан ташқари топширилган пахтага устама ҳақ тўланади. Агар колхоз мажбуриятини бажарса 214 минг сўм қўшимча даромад олади. Шундан 80 минг сўми колхозчиларга тегади. Лекин бу муҳим нарса колхозчиларга етарли даражада тушунтирилмаган.

Бешинчи бригада табелчиси қўлида технология карта йўқ. Бу бригада аъзолари планга қўшимча топширилган пахтанинг харид нархи ошгани тўғрисидаги қарордан бехабарлар.

Оққўрғон район партия комитетининг қарори билан барча колхозларни ва совхозларни текшириш учун сифат комиссияси тузилган эди. Бу комиссияга хўжаликнинг барча соҳасини кўздан кечириш топширилган. Деҳқончиликнинг ҳамма соҳалари, хўжаликлардаги партиявий-сиёсий ишлар, колхозчиларга қандай гамхўрлик қилинаётгани, боғча-ясли, дала шийпонларидаги аҳвол, чорвачилик, ем-хашак тайёрлаш, хўжаликлардаги ҳисобот ишларини ва бошқа соҳалар назоратдан ўтказилаётир.

Охунбобоев номли колхозни текширган мутахассислардан иборат сифат комиссияси аъзолари эришилган ютуқларни қайд қилиш билан бирга зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш лозимлигини таклиф этдилар.

Дарҳақиқат сифат комиссияси ҳар қайси бригадада бўлганда колхозчиларга, сувчи ва механизаторларга ўзларининг қайси картада қандай ишларни амалга ошириш кераклигини кўрсатдилар ва маслаҳат бердилар. Комиссия аъзоларининг ишлари колхозчиларга мадад ва амалий ёрдам бераётир.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Тошали Имомов Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозининг илғор механизатори. У меҳнат қилаётган бригада бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Суратда: (юқорида) Т. Имомов, пастда ғўзаларга ишлов бериш ҳамда ҳашаротга препарат сепиш пайти.

Т. Маҳкамов фотолари.

МИРИШКОРЛАР ДАЛАСИДА

Деҳқончилик йилномасида фасллар бирин-кетин қулай келганини эслаш қийин. Баъзан уст-устига ёғингарчилик бўлади, баъзида унинг акси сувнинг танқислиги ва ҳашарот кўп тарқалиб кетади. Хуллас, деҳқоннинг ташвиши оёқ тагида туради.

Аҳрор ака шу ўй-хаёллар билан пайкалга, қулоқ бошига етиб келди. Сокин тун. Ҳаммаёқ жимжит, осуда. Шилдираб оқаётган сув тунги сукунатни бузиб турибди.

Сувчилик жуда мураккаб, нозик иш. Сув билан нимжон ғўзани яхши қилиш ҳам, аксинча авжи баланд ғўзани ёмон аҳволга солиб қўйиш мумкин. Сувчи ҳар бир эгатдан оқаётган сувни эринмасдан кузатиб туриши даркор.

— Биз пайкалга сув таратдан олдин пухта тайёргарлик кўрамиз, — дейди Аҳрор ака, — Картанинг бошида ва охирида 10—25 та эгат битта кўндаланг ариқ ёрдамида бирбиринга туташтирилади. Натижада сув оқавага чиқарилмайди. Бунда сув исроф қилинмайди, картанинг охирида сувнинг қўллашига йўл қўйилмайди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг Элтой Исоқов етакчи пахтакорлар бригадаси далаларида суғориш ишлари группа усулида ташкил этилиб, ҳар бир қатра сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Бу ерда сув зар, сувчи эса заргардир.

Бунда Аҳрор ака Саидкаримов бошлиқ сувчилар группасининг хизмати айниқса катта бўлаяпти. Бу ердаги 10 нафар сувчи икки группага бўлинган. Улар ғўзаларни қондириб суғориб, ўсимликнинг ривожига ривож қўшмоқдалар. Абдували Бердимуродов, Содиқ Пардақулов, Умарали Тошбоев, Раҳим Умрзоқов, Алимжон Набиев, Аҳмадали Ортиқов сингари моҳир сувчилар кечани-кеча, кундузни кундуз демай ўз постларида доимо сергак туриб, ғўзани оби-ҳаётга қондиряптилар.

Бригадада суғориш билан культивация бир-бирига қўшиб олиб борилмоқда. Қондириб суғорилган майдонлардаги ерлар тобга келиши билан бригаданинг Зариф Мирзаев, Абдураҳмон Султонов, Абдуҳаким Маматқулов сингари ишчан механизаторлари ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантиришга киришадилар.

Муҳаррам Аширалиева, Турсунали Исмоилов, Баҳодир Аширалиев, Турднали Деҳқонов, Шарофат Иброҳимова, Дилором Маматқулова, Муҳаррам Тошбоева, Ҳабиба Усмонова, Мамлакат Бурҳонова каби меҳнатсеварлар бегона ўтларни юлиб, карта атрофларида культиватор тишлари тегмай кетган жойларни юмшатиб, ҳар куни тоғширқларини 1,5—2 ҳиссадан адо этишяпти.

Июль ва август ойларини зарбдор меҳнат вахтаси, деб эълон қилган пахтакорлар ҳар бир тўп ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Июль ойи да ҳар тўп ғўзада камида 6—7 тадан тўлиқ кўсак ҳосил қилиш бригада аъзоларининг ягона мақсадига айланган.

Ўтган йили бригадада мавжуд 68 гектар ер майдонининг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 35 центнерга етказилади.

— Ҳозирги вазифа — ғўзани тез ривожлантириб, суғориш ва культивацияга зўр бериш, шонани гулга, гулни бўлиқ кўсакка айлантиришга эришишдан иборат, — дейди бригада бошлиғи тажрибали пахтакор Элтой Исоқов. — Ҳар гектардан 35 центнердан дур ундиришни зиммамизга олган эканмиз, бу йилги сув танқислигига қарамасдан ваъдамизнинг устидан чиқамиз.

Бригадамиз миришкорлари КПССнинг навбатдаги XXV съезднинг меҳнатда зўр муваффақиятлар билан қаршилашга аҳд қилишган.

Р. БОЙТУЛЛАЕВ.

ФАЗОГИРЛАРГА ОФАРИН

Бутун жаҳон фаннинг яна бир мўъжизасига қойил қолди. Бу, космик парвознинг навбатдаги буюк жасорати бўлди. Ҳа, «Союз» — «Аполлон» программасига мувофиқ ўтказилаётган экспериментнинг янги парвози муваффақиятли бошланди.

Коинотни ўрганиш ва космосни забт этиш фан-техниканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Албатта бу соҳада қатор илмий ютуқлар қўлга киритилди. Келгусида ҳам мазкур мавзу космонавтиканинг энг муҳим муаммолари бўлиб қолаверади.

Биз барча совет кишилари қатори янги парвозни «зангори экран» орқали зўр фахрланиш ҳисси билан томоша қилдик. Совет космонавтлари ва америкалик астронавтларнинг биргаликдаги парвози, шубҳасиз фан ва техника тараққиёти учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Биз ёш авлоднинг мураббийлари, халқ маорифи ходимлари бу улкан парвозга катта муваффақиятлар тилаймиз.

С. СОБИТОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.
А. ТОЖИЕВ,
педагогика фанлари кандидати.

ТИНЧЛИК ПАРВОЗИ

15 июль коинот сирларини ўрганиш соҳасида жаҳон халқлари олиб бораётган оламшумул-тарихий ишларга зарҳал ҳарфлар билан қайд қилинадиган кун бўлади. Чунки, биз ажойиб воқеанинг шоҳиди бўлдик: Совет Иттифоқи космонавтлари ва АҚШ астронавтларининг биргаликдаги парвози бошланди. Бу буюк воқеадир. Шунинг учун ҳам бутун совет халқи қатори республикамиз кочегаркаси — Ангрен шаҳар кўмирчилари, бинокорлари, транспортчилари, қўйнингки, барча меҳнаткашлари бу парвозни зўр қизиқиш билан кўзатмоқдалар.

Икки буюк давлат коинот кашфиётчиларининг биргалиқдаги парвози халқлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, жаҳонда тинчлик ишини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. У илм-фанни янада бойитишга катта ҳисса бўлиб қўшилади. Шунинг учун ҳам совет космонавтлари ва америка астронавтларининг биргаликдаги парвози муваффақиятли ўтишига қаттиқ ишонамиз. Бундай тинчлик парвозлари бундан кейин ҳам давом этаверсин!

М. ТУРҒУНБОЕВ,
9-шахта тозалаш забойи ишчилари бригадири, Ленин ордени кавалери.

ОҚ ЙЎЛ, ЛОЧИНЛАР

Биз ҳар куни телевизор экрани орқали ватандошларимиз Петр Климук ва Виталий Севастьяновларнинг космосда олиб бораётган қаҳрамонона ишларини фахрланиб кўрамиз. Чиндан ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда космосни ўзлаштиришда ажойиб ғалабалар қўлга киритилди.

«Союз» — «Аполлон» кемаларининг учиши эса космосни ўзлаштиришда янги давр, янги босқич бошланганлигидан далолат бериб турипти. Бу ҳамкорлик фақат икки буюк давлат ўртасидагина эмас, балки дунёдаги барча давлатлар ўртасида ҳам бемалол ҳамкорлик ўрнатиш мумкинлигини исботлайди. Шунинг учун ҳам бу учишни бутун прогрессив инсоннят қутламоқда, табрикламоқда.

Биз ҳам космос қаҳрамонларига оқ йўл тилаймиз. Сафарларингиз бехатар бўлсин деймиз. Аминмизки, бу коллектив ҳамкорлик космосни тадқиқ этишда янги самаралар келтиради.

А. МУСАЕВ,
Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси.

«АПОЛЛОН» КОСМИК КЕМАСИ УЧИРИЛДИ

ХЬЮСТОН, УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 15 июль. (ТАСС махсус мухбири). Совет—Америка қўшма космик эксперименти программасига мувофиқ бугун Москва вақти билан соат 22 дан 50 минут ўтганда Қанаверал бурунидаги Ж. Кеннеди номли космик парвоз марказидан Американинг «Аполлон» кемаси учирилди. Кема ичида Томас Стаффорд (кема командири), Вэнс Бранд, Дональд Слейтонлардан иборат экипаж бор.

Икки босқичли «Сатурн-1В» учирувчи ракетаси кемани ҳисоблаб қўйилганига яқин бошланғич орбитага олиб чиқди. «Аполлон» орбитага чиқиб олганидан кейин учирувчи ракетанинг сўнгги босқичидан ажралди.

Учишни бошқариш марказининг хабар қилишига қараганда, экипаж аъзолари ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Улар кема ичидаги асбоб-ускуналарни текширишга ва монтаж орбитасига чиқиш учун бир неча маневрларни бажаришга киришдилар.

Иккала кемани туташтириш «Союз—Аполлон» қўшма программасининг энг муҳим қисми бўлади, кемалар 17 июль куни Европа тепасида туташтирилиши кўзда тутилган. Иккала кема биргаликда икки сутка учган вақтда космонавтлар бир кемадан иккинчисига тўрт марта ўтадилар. Бир қанча илмий экспериментлар ўтказадилар.

Т. Стаффорд кеманинг учишидан олдин бундай деди: Биз Совет—Америка космик парвози мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашига аминмиз.

«СОЮЗ-19»: УЧИШ ПРОГРАММА БЎЙИЧА ДАВОМ ЭТЯПТИ

ПОДМОСКОВЬЕДАГИ УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 15 июль, (ТАСС). Москва вақти билан соат 19 у 34 минутга қадар «Союз-19» космик кемаси ер атрофини уч марта айланиб чиқди.

Кема орбитасининг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзасидан максимал узоқлашуви — 221,2 километр;

— Ер юзасига минимал яқинлашуви — 186 километр;

— Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 88,5 минут;

— Орбитанинг оғиши — 51,8 градус.

Монтаж қилинадиган орбитага чиқиш мақсадида Ер атрофини бешинчи марта айланиб чиқиш чоғида бажариладиган биринчи маневрни ўтказиш программаси «Союз-19» космик кемасининг бортига маълум қилинди.

Кеманинг учиши программага мувофиқ ўтмоқда. Космонавтлар Алексей Леонов ва Валерий Кубасовларнинг сиҳат-саломатлиги яхши.

БОШЛАНИШИ ЯХШИ БЎЛДИ

ХЬЮСТОН, УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ. 16 июль. (ТАСС махсус мухбири). «Союз-19» совет космик кемаси учирилганлиги бу ерда ҳаммани жуда қизиқтириб юборди. Старт бошланмасдан бир неча минут олдин марказда одатдан ташқари жимжитлик ҳукмрон бўлиб қолди: ҳамманинг диққат-эътибори Хьюстон вақти билан мана шундай эрта саҳар пайтида планетанинг нариги томонида, узоқ Бойқўнғирда бўлаётган воқеаларни кўрсатиб турган телевизорларнинг экранларига қаратилган эди. Марказда бўлганларнинг ҳаммаси «Союз»нинг парвоз қилишини, чиройли ракетанинг кўтарилишини диққат билан биронта тафсилотни ҳам қолдирмасликка ҳаракат қилиб кузатиб туришди. Диктор, «Союз» орбитага чиқиб олди, деб эълон қилгандан кейин Америка мутахассислари ва Хьюстондаги журналистлар ҳозиргина кўрган воқеалари тўғрисидаги таассуротларини бир-бирларига қизиқиб айтиб беришга киришдилар, бу ерда турган совет мутахассислари группасини «Союз»нинг парвози муваффақиятли бошланганлиги билан қутладилар.

Учишни бошқариш марказининг вакили Жон Маклиш ТАСС мухбирига айтдики, учириш ишлари жуда яхши ўтди. Совет космик кемасининг старти — «Союз—Аполлон» экспериментининг яхши бошланганлигидан далолат беради. Бу эксперимент космик фазони тадқиқ этишда СССР билан АҚШнинг ҳамкорлик қилишига ёрдам беради.

Биргаликда қилаётган ишимиз мана шундай яхши ишни бошлаб берганлигидан хурсандмиз, деди аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармасининг директори Ж. Флетчер.

МАТБУОТ МАРКАЗИ: СТАРТ КУНИ

Телетайплар тақиллаб ишлаб турибди, «Юпитер»лар ўқтин-ўқтин чарақлаб ёритиб юбормоқда, юзлаб саволлар янграмоқда. Хилма-хил тилларда гаплашувчи журналистлар «Союз», «Аполлон» деган икки сўзни муттасил такрорламоқдалар. Совет—Америка қўшма космик учишини ёритувчи халқаро матбуот маркази жойлашган Москвадаги Горький кўчасида 15 июль соат 15 дан 20 минут ўтганда «Старт» деган битта қисқа сўз яшин тезлигида планетанинг ҳамма томонига тарқалди.

Жаҳондаги энг катта газеталар, телевизион ва радио кампанияларининг 700 га яқин мухбирлари мана шу дақиқаларда Москвадан минглаб километр нарида — Бойқўнғирда бўлаётган тўлқинлантирувчи воқеалар тўғрисида қисқа хабарларни ва батафсил репортажларни юборишга шошилдилар. Бу хабарларни бутун дунё кутмоқда эди: Совет—Америка қўшма эксперименти космосни ўзлаштиришда янги босқич бошлаб бериш билангина чекланмайди. Бу эксперимент ҳамкорликнинг ёрқин намунаси ҳам бўлиб қолади, шу ҳамкорлик кетидан кўпгина халқаро проблемаларни ҳал этишга йўл очилади.

Ойбек номли совхозининг уста хонасида терим агрегатларини ремонт қилиш жадал бормоқда. Ёш механизатор, комсомол аъзоси Наталья Авазова бу йил 150 тонна пахта теришга аҳд қилган. Шу мақсадда у ўз агрегатини сифатли ремонт қилаётир. Суратда: Н. Авазова иш устида. Т. Маҳкамов фотоси.

МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ ВА ИВАНОВО ОБЛАСТЛАРИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1975 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

	Тошкент	Иваново
САНОАТ		
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш процента	111,2	103,3
Реализация планининг бажарилиш процента	104,4	101,2
Пландан ташқари реализация қилинган — миллион сўмлик	92,4	32,1
Реализация планини бажармаган корхоналар сони	9	33
Саноат ишлаб-чиқариш ҳоднмлари сонининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	103,9	99,5
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш процента	107,0	103,9
Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган корхоналар сони	52	59
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш процента	101,2	100,5
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ		
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш ярим йиллик планининг бажарилиш процента, пландан ташқари харид қилинганлар ҳам ҳисобга киради:		
Чорва ва парранда	123,5	103
Сут	117,3	106
Тухум	105,1	111
1975 йилнинг январь — июнида колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва чорванинг маҳсулдорлиги:		
асосий чорва ва парранда турларини сўйиш учун тирик вазнда реализация қилиш — минг тонна	15,3	243,8
1975 йилнинг январь — июнида 1974 йилнинг январь—июнига нисбатан процент ҳисобида	107,6	114
Ялпи сут согиб олиш—минг тонна	57,9	178,7
1975 йилнинг январь — июнида 1974 йилнинг январь — июнига нисбатан процент ҳисобида	109,1	110
Товуқ тухумни етиштириш — миллион дона	85,6	121,6
1975 йилнинг январь — июнида 1974 йилнинг январь—июнига нисбатан процент ҳисобида	109,7	117
Ҳар бир сигирдан ўртача сут согиб олиш — килограмм	1460	1311
1975 йилнинг январь — июнида 1974 йилнинг январь—июнига нисбатан процент ҳисобида	106,5	101
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ		
(давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани)		
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиш процента	91	92
Қурилиш-монтаж ишлари	94	90
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш	96	108
САВДО		
Давлат ва кооператив савдосида товар оборота планининг бажарилиш процента, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради — умуман	101,0	101,7
Чакана тармоқ товар оборота	100,9	101,8
Умумий овқатланиш товар оборота	101,6	101,3
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ		
Маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг бажарилиш процента	99,9	100,5

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

«Огонёк» совхоз-заводи чорвадорлари гўшт-сут тайёрлаш бўйича ярим йиллик планларини муддатидан илгари ошириб бажаришди. Хўжалик бўрдоқибоқарлари 240 центнер ўрнига 315 центнердан ортиқ гўшт тайёрлашди. Сут согувчиларнинг иши ҳам баракали бўлди. Улар 2271 центнер сут согиб олиб, олти ойлик плани 102,3 процент қилиб адо этишди.

Хўжаликда давлатга гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш қизғин давом этяпти.

МЕВА ТОПШИРИШ ҚИЗҒИН

«Огонёк» совхоз-заводининг Анатолий Липёхин бошлиқ бригада боғларида бу йил олма мўл-кўл бўлди. Давлатга 518 тонна олма топширишга аҳд қилган бригада аъзолари шу кунларда мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олмоқдалар.

Мария Миронова, Татьяна Царёва, Ҳадия Давлатова, К. Олимова ёзги ишчилар олма теришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Бригадада ҳозиргача 500 тоннага яқин олма териб олинди. Коллектив ҳосил мўллигини ҳисобга олиб, яна давлатга 100 тонна олма топшириш мажбуриятини қабул қилди.

ЛАВЛАГИ МЎЛ БЎЛАДИ

Космонавт Волков номли совхозда чорвачилик учун турли озуқабоп экинлар экиш йил сайин яхшиланмоқда. Совхознинг кўпгина бўлимларида беда, маккажўхори, хашаки лавлаги ва бошқа экинлар экилиб мўл ҳосил етиштирилмоқда.

1- бўлимдаги Султонбой Жўнбоев бошлиқ бригадада айниқса лавлаги тез ва дуркун ривожланмоқда. Ҳозиргача бригадада лавлаги 3 марта комплекс ишлов берилди. Гектаридан 500 центнердан ҳосил олиш — бригада аъзоларининг асосий мақсади. Шу боисдан улар пахта, каноп парваришини бирга лавлагига ишлов беришни ҳам тобора авж олдирмоқдалар.

КУСАКЛАР КЎПАЙМОҚДА

Жиянша Шоҳимардонов бошлиқ бригада пахтакорлари ғўза парваришини намунали ўтказмоқдалар. 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган коллектив ғўза қатор ораларига уч марта комплекс ишлов берди.

Сувга қониб, ишлови оби-тобида бўлаётган ғўзалар текис гуллаб, кўсаклаётир. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган бригада аъзолари парваришни тобора авж олдирмоқдалар.

С. МУСТАФОЕВ.

СОТУВЧИЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ЁРДАМЧИЛАРИ

Тошкентдаги озиқ-овқат магазинларидан қарийб йигирма тасида янгилик — электрон торозилар ишлай бошлади. Энди харидорлар ўзлари билан ҳисоб-китоб аниқ бўлдими, йўқми, бунга шубҳаланмасликлари мумкин — асбобга харид қилинган у ёки бу маҳсулотни қўйишингиз ва ана шу маҳсулот ҳар килограммининг нархини клавишлар ёрдамида кўрсатишингиз биланоқ таблода кассага қанча тўлаш кераклигини кўрсатувчи сўмма ва маҳсулотнинг огирлигини кўрсатадиган рақамлар пайдо бўлади. Бу сотувчига ҳам қулай: маҳсулот вазнини «яхлит» рақамгача етказишнинг, ҳисоблаб чиқиш учун ортиқча вақт сарфлашнинг ҳожати қолмайди.

Чилонзордаги савдо марказида ўзига хос торозилар ёнига яна бир янгилик — электрон касса аппаратлари қўшилди. Харидор таблога қараб ундан қанча пул олиб қолганлигини, унга қанча пул қайтарилишини кўриб туради. Кўпдан-кўп бўлимлар бор бўлган ва мол оборотининг ҳисобини ўзлари олиб борадиган магазинлар учун бундай кассалар жуда қулай. Автомат чек бергач ана шу қоғозга сотувчиларнинг тегишли группасининг ҳисобини ёзиб қўяди. У ёки бу бўлимдан қанча товар сотилганлигини исталган пайтда билиш мумкин.

Тошкент магазинлари йил охирига қадар яна юзта электрон ёрдамчилар олишади.

(ЎзТАГ).

ЗАРБДОР АВТОМОБИЛЧИЛАР

▲ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
▲ ШОГИРДЛАР КАМОЛИ — УСТОЗЛАР МАЖОЛИ
▲ РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ
▲ ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

«Узсельавтотрестга қарашли Янгийўлдаги 19-автокорхона коллективи тўққизинчи беш йиллик план-топшириқларини шараф билан бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборган. Мусобақа ҳар ой ва квартал сўнгида якунланиб, ғолиб бригадалар ва илғор шоферлар маънавий ҳамда моддий жиҳатдан рағбатлантирилади. Шунингдек, квартал мобайнида ўз машинасини капитал ремонтсиз, озода, техник қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда бошқарган ҳайдовчилар алоҳида мукофотланади. Бундай тадбирлар натижасида автокорхонада меҳнат унумдорлиги тобора ортиб бормоқда.

Утган олти ой давомида якунловчи йилнинг олти ярим ойлик планини бажаришга эришилди. Планга қўшимча 6 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 процентга ортди. Шахсий тўққизинчи беш йиллик планларини бажарган илғорлар 105 кишига етди.

Корхонанинг олти бригадаси коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. С. Абдураимов, А. Мамутов, В. Журавлев, Н. Пўлатов сингари азаматлар иш соатларидан ва техника кучидан унумли фойдаланиш ҳисобига кунлик нормаларини камида 1,5 ҳиссага етказиб бажаришмоқда. Улар ўнинчи беш йилликнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Шогирдлар камоли — устозлар жамоли, дейишади. Корхонанинг ҳар бир ишчиси бу шиорнинг мазмунини жуда яхши билади. Бу ерда мураббийлик ҳаракати намунали йўлга қўйилган. Тажрибали ишчилар ўзларининг бой тажрибаларини корхонага эндигина қадам қўйган ёшларга қунт билан ўргатишмоқда. Шу билан бирга уларни ишдан бўш вақтларида ҳам нималар билан шуғулланаётганликлари тўғрисида хабардор бўлиб туришади, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб олишга маслаҳат беришади.

Узоқ йиллардан бери бу дарсафига қабул қилиш маросимлари тез-тез ўтказиб турилади.

Корхона маъмурияти, касаба союз комитети ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам ғамхўрлик қилишмоқда. Шанба ва якшанба кунлари республикамизнинг диққатга сазовор шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа жойларга коллектив равишда саёҳатлар уюштирилади. Шунингдек, областимиздаги хушманзара табиат қучоғига экскурсиялар ташкил этилади. Уларнинг барчаси соғлом ва қувноқ мақда. Ремонтчилар ўтган олти ойлик планларини муддатидан олдин адо этиб, планга қўшимча 26 юк машинасини ремонт қилдилар. Бу борада Э. Усенов, В. Алихўжаев, К. Борисов каби пешқадам слесарларнинг меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

— Коллективимиз кейинги йилларда илғорлар сафидан ўрин олди, — дейди А. Попов. — Илгари бригадалар, участкалар ўртасидаги социалистик мусобақага эътибор берилса ҳам ҳайдовчиларнинг шахсий мусобақаларига лоқайд қаралган экан. Мусобақанинг бу тури кўпинча фақат қоғозлардагина қолиб кетарди. Меҳнат интизомига қатъий риоя қилувчи ва зиммасидаги плантопшириқларини ошириб бажарувчи ишчилар унчалик кўп эмасди. Шунинг учун бўлса керак, 1973 йилда корхонамиз коллективи давлат планини эўрга 100 процентга етказиб бажарди. Эндиликда эса бошқача манзарани кўрасиз. Утган йили давлат планини 114 процентга етказиб бажардик. Планга қўшимча ўн минглаб тонна халқ хўжалик юклари ташилди.

Айни кунларда ахил коллектив КПСС XXV съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилаётир. Автомобилчилар партия XXV съездига бағишланган 25 зарбдор декада эълон қилишган. Ташаббус издошлари РСДРПнинг дастлабки съездларига бағишлаб ўтказилган декадалар мобайнида планга қўшимча минг тоннага яқин юк ташиб беришди.

Автомобилчилар йиллик планни 14 декабрда бажариш ва тўққизинчи беш йиллик планига қўшимча равишда 29,8 минг тонна юк ташиш учун барча имкониятларни ишга солиб меҳнат қилишяпти.

А. АҲМАДАЛИЕВ.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

гоҳда меҳнат қилиб келаётган ветеран ҳайдовчи ва ремонтчи слесарлардан Ш. Алиев, Т. Каттабоев ва П. Жамоловлар ўтган йили корхона хизматчилари орасида «Ёшларнинг муносиб мураббийлари бўлайлик» шиори билан чиқишган эди. Ташаббус барча тажрибакор ишчилар томонидан қўллаб-қувватланди. «Корхонада ўн йилдан ортиқ меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи камида ўн шогирд тайёрлаши лозим», дейилган эди ташаббусда.

Шундан буён кўплаб ветеранлар муносиб шогирдлар етиштиришга ҳисса қўшиб келишяпти. Бу борада Ш. Алиев, П. Жамолов, У. Тиллахўжаев, В. Иванов каби пешқадамларнинг хизматлари диққатга сазовор. Уларнинг ишчилар уларни устоз деб билишади. Устозлар изидан бориб, кунлик нормаларини 130—140 процентга бажараётган В. Перной, Т. Мирсултонов, В. Ёқубов каби комсомолёшлар — корхона фахри. Шунингдек, бу ерда кекса ишчиларни пенсияга кузатиш ва ёшларни тантанали суратда ишчи синфи қайфиятга, меҳнат унумдорлигининг ошишига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда.

— Пешқадам ишчиларимиздан 12 киши Қора денгиз бўйида ёз гаштини суришяпти, — дейди касаба союз комитетининг раиси Э. Велқўйлаев. — Кейинги ойларда ҳам турли маршрутлар бўйлаб саёҳат ва экскурсиялар уюштириш планлаштирилган.

Ҳар ишда фидокорлик кўрсатиб келаётган коллектив «Узсельавтотрестга қарашли 29-автобаза коллективи билан ҳам ўзаро мусобақадош. Улар тез-тез бир-бирларининг корхоналарида бўлиб, юк ташиш, техникадан намунали фойдаланиш ва ремонт ишларидаги янгиликларни, илғор усулларни ўрганиб, кейин ўз корхоналарида жорий этадилар.

Автокорхонанинг барча участкаларида саранжом-саришталик. К. Исаев бошлиқ ремонтчи-слесарлар бригадасининг азаматлари механизмларни ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқаришади. Деярли ҳар бир машина каълов кўрсаткичда капитал ремонт қилинмоқда.

ВАЪДАСИГА ВАФОДОРЛАР

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи коллективи тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида зиммасига юксак мажбуриятлар олиб ишлаяпти.

Меҳнатсевар ремонтчилар элюрт олдида берилган ана шу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш, КПСС XXV съезднинг меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Корхонада бу ватанпарварлик ҳаракатининг ошкорлиги ва оммавийлиги таъминланган. Шу туфайли мусобақа давомида вужудга келган янгиликлар, илғор усуллар ва прогрессив технология ишлаб чиқаришда тез жорий қилинмоқда. Бу давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришиш имконини бермоқда. Шу йилнинг ўтган биринчи ярмида маҳсулот реализация қилиш плани 102,2 процент қилиб адо этилди. Қўшимча 183 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ярим йиллик учун мўлжалланган мажбуриятдагидан ўнларча минг сўмлик кўлдир.

Коллектив эришаётган бу ютуқларга ўз касбининг моҳирлари ҳисобланган ишчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Кодиров, Х. Қосимов, Э. Собитов, Б. Кузьмин ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар нормани доим знёдаси билан адо этмоқдалар ва фақат сифатли маҳсулот бермоқдалар.

У. МУҲАМЕДОВ.

ПЕШҚАДАМ КОЛЛЕКТИВ

Ангрен разрез қурилиши бошқармаси «Узбекгидроэнергострой» трестининг пешқадам ташкилотларидан ҳисобланади. Бошқарма бинокорлари Ангренда қатор гидротехника иншоотлари қурилишини муддатида тугатиш ва фойдаланишга топшириш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Айниқса, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган зарбдор меҳнат вахтаси натижалари баракали бўлмоқда.

Ҳозир қурувчилар Оҳангарон сув омборининг иккинчи навбатини тезкорлик билан қуришяпти. Ишл бошидан буён пландагидан ташқари ярим миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Бошқарма участкаларида «КПСС XXV съездига 25 зарбдор декада» шиори остида бошланган меҳнат мусобақаси иштирокчилари ишда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Сайфиддин Насриддинов, Мирзақул Азизов ўртоқлар бошлиқ комплекс бригадалар олдинда боришмоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

Муҳаббат Муҳиддинова Тошкент офсет босма фабрикасида кўп йиллардан бери меҳнат қилади. Бу пешқадам ишчи ҳозирги кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

БУ ШИЙПОНЛАР ЎГАЙМИ?

Фидокорона меҳнатдан сўнг дала шийпонларида ҳордиқ чиқаришга не етсин! Пискент районида бундай намунали дала шийпонлари оз эмас.

Мана, Охунбобоев номли колхознинг биринчи бригадасидамиз. Колхоз партия ташкилотининг секретари А. Эргашев бизга қилинган ишлар ҳақида гапириб берди. Шийпон кўркам қилиб безатилган. Район, республика, колхоз, бригаданинг мажбуриятлари кўзга кўринарли жойга осиб қўйилган. Агитаторлар бажараётган ишлар махсус дафтарчада қайд қилиб борилади. Колхознинг 4-бригадаси дала шийпони ҳам баҳаво ерга жойлашган. Шийпон ёнида ярим гектарлик майдонга сабзавот, полиз экинлари экиб қўйилган.

Афсуски, бу районда дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишларнинг чинакам марказига, деҳқоннинг иккинчи уйига, оромгоҳига айлантиришга панжа орасидан қараётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

2-«Пискент» совхози далаларини айланар эканмиз, ана шундай хулосага келдик. Бу йил совхоз деҳқонлари 9500 тонналик «оқ олтин» хирмони яратишга бел боғлаганлар. Дала ишларининг сифатли бажарилиши, ғўзаларнинг серҳосил бўлиб етилиши кўп жиҳатдан деҳқонларга яратиб бериладиган маданий, маиший шароитга боғлиқдир. Наҳотки, хўжалик раҳбарлари буни ҳис қилмасалар?

Мана, 2-бўлимнинг ўртоқ Х. Боймуродов бошлиқ бригадаси дала шийпони. Бу ерда бор йўғи иккита-учта тахта каравот кўзга ташланади. Атрофлари эса қанор билан тўсилган. Шу ҳам дала шийпони бўлдими. Ёки бу шийпонлар ўгаймми?

Атрофга кўз югуртирамиз. На кўргазмали агитация, на радио, телевизор бор.

Бўлимнинг Ю. Арслонов бошлиқ бригадасида бўлганимизда ҳам худди ана шундай манзарага дуч келдик. Бу ерда ҳам иккита тахта кроват турипти. Далада ишлаётган аёлларнинг бемалол ҳордиқ чиқариши учун эса деярли шароит йўқ. Биз шу бригаданинг ишчилари Ш. Зулқарнаева, Т. Соиповалар билан суҳбатлашдик. Улар алоҳида жой йўқлигидан 25 гектарлик картанинг четидаги зовур бўйида дам олаётган эдилар.

Совхознинг М. Абдуқаҳҳоров, Э. Маъмуров, М. Пардаев ўртоқлар бошлиқ бригада дала шийпонлари ҳам шип-шийдан.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек қўшни 1-«Пискент» совхози раҳбарлари ҳам 2-«Пискент» совхозининг дала шийпонларини «жиҳозлаш» соҳасидаги «тажриба»ларидан ўрнак олиб-дилар. Қойил-е, одамлар одатда яхшидан намуна олишга интиладилар. Лекин бу совхоз раҳбарлари бўлса... Акс ҳолда улар биринчи бўлимга қарашли Д. Ғайдаров, 2-бўлимга қарашли Х. Шаматов бошлиқ бригадаларнинг шийпонларини эсдан чиқариб юбормас эдилар.

Тельман номли колхозда бўлганимизда Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригада шийпони колхозчиларнинг чинакам ҳордиқ чиқарадиган жойига айлантириб қўйилганини кўриб, қувондик.

— Шундай бўлиши ҳам керак-да! — дейди бригадир Ҳакимполвон Қодиров. — Ахир биз «оқ олтин» яратаётган азаматлар тўғрисида қанчалик ғамхўрлик қилсак, ишимиз шунчалик енгиллашади.

Аммо, колхознинг А. Алқоров бригадасида бўлганимизда яна ранжидик. Чунки, бу ердаги шийпон эгаси кўчиб кетган ҳовлига ўхшар эди.

Калинин номли колхознинг А. Каримов бошлиқ бригадаси дала шийпони ҳам бундан қолишмайди. У ерда кўргазмали агитация деярли йўқ. Радио, телевизор анчадан буён келтирилмайди.

Область партия комитети шу йил январь ойида махсус мактуб орқали район партия комитетига тавсиянома юбориб, дала шийпонлари, клублар учун республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги, маданиятини акс эттирувчи фотоплакатларга обунани ташкил этиш тўғрисида кўрсатма берган. Бунинг натижаси ҳақида маълум қилиш сўралган эди. Афсуски, бу тавсиянома бажарилмаяпти.

Дала шийпони колхозчилар ором оладиган жой бўлиши керак. Район партия комитети, хўжаликнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари ҳар бир хўжаликда дала шийпонларини соз қилиб қўйилиши учун қайғуришлари керак. Халқ манфаати, давлат манфаати ана шуни талаб этади.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҲАР СИГИРДАН ҚЎПРОҚ СУТ СОҒИБ ОЛАЙЛИК

ШУ ЙИЛНИНГ ОЛТИ ОЙИДА СУТ ЕТИШТИРИШ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — хўжаликнинг биринчи ярим йиллик якуни бўйича эгаллаган ўрни, иккинчи стун — биринчи квартал бўйича эгаллаган ўрни, учинчи стун — хўжаликлар номи, тўртинчи стун — районлар, бешинчи стун—1975 йилнинг биринчи ярмида ҳар сигирдан ўртача соғиб олинган сут (килограмм), олтинчи стун — 1974 йилнинг биринчи ярмида ҳар сигирдан соғиб олинган сут, еттинчи стун: + —, саккизинчи стун — 1975 йилнинг биринчи ярмида етиштирилган сут (центнер), тўққизинчи стун — 1974 йилнинг биринчи ярмида етиштирилган сут, ўнинчи стун: + —.

1	3	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Бўка	2511	2308	+203	3265	2793	+472
2	2	«УзССР 50 йиллиги» колхози	Оржоникидзе	2249	1820	+429	7580	9800	+2220
3	8	«Коммунизм» колхози	Янгийўл	2173	1846	+327	4346	3600	+746
4	5	Дмитров номли колхоз	Қўйи Чирчиқ	2154	2035	+119	10840	9036	+1804
5	1	«Ғаллақудуқ» совхози	Оҳангарон	2150	1596	+554	2150	1280	+870
6	4	К. Маркс номли колхоз	Калинин	2123	2069	+ 54	5010	4573	+437
7	9	«Ленинский путь» колхози	Юқори Чирчиқ	2091	1954	+137	9137	8500	+637
8	6	«Чиноз» насл. совхози	Чиноз	2080	1960	+120	27775	25830	+1945
9	7	«Политотдел» колхози	Юқори Чирчиқ	2078	2059	+ 19	14279	14180	+ 99
10	10	«Партия XXI съезди» совхози	Калинин	2030	2020	+ 10	2730	2489	+241
11	19	«Н. Михайловка» совхози	Янгийўл	2000	1841	+159	320	221	+ 99
12	18	«Ленинизм» колхози	Янгийўл	1903	1695	+208	4796	4459	+337
13	11	Свердлов номли колхоз	Юқори Чирчиқ	1868	1724	+144	10034	9807	+227
14	13	«Химик» совхози	Оржоникидзе	1785	1713	+ 72	4020	3630	+390
15	26	Свердлов номли колхоз	Қўйи Чирчиқ	1780	1688	+ 92	5341	4965	+376
16	54	«Коммунизм» колхози	Бўка	1774	1587	+187	1863	1540	+323
17	30	«Қибрай» совхози	Оржоникидзе	1771	1741	+ 30	2210	1940	+270
18	17	Тошкент паррандачилик фабрикаси	Оржоникидзе	1768	1907	—139	1890	1720	+170
19	33	«Победа» колхози	Қўйи Чирчиқ	1764	1641	+123	2681	2315	+366
20	27	«Ҳамза» колхози	Бўка	1759	1392	+367	3518	2437	+1071
21	35	Вотинцев номли колхоз	Оққўрғон	1733	1633	+100	2930	2417	+513
22	21	«Правда» колхози	Юқори Чирчиқ	1732	1603	+129	11607	11394	+213
23	40	«Қизил Ўзбекистон» колхози	Оржоникидзе	1730	1688	+ 42	12200	11130	+1070
24	22	Ким Пен Хва номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1713	1507	+206	5037	4175	+862
25	42	Тимирязев номли колхоз	Бўка	1710	1314	+396	1744	1248	+496
26	14	2-«Далварзин» совхози	Бекобод	1708	1608	+100	6492	5776	+716
27	23	Калинин номли колхоз	Калинин	1686	1547	+139	3591	3543	+ 48
28	20	Ҳамза номли колхоз	Қўйи Чирчиқ	1680	1647	+ 33	4133	3675	+458
29	59	ЎзССР беш йиллиги номли совхоз	Қўйи Чирчиқ	1667	1626	+ 41	10672	9172	+1500
30	24	Ленин номли колхоз	Қўйи Чирчиқ	1666	1497	+169	4849	4164	+685
31	36	«Ленин йўли» колхози	Ўрта Чирчиқ	1665	1270	+395	3047	2261	+786
32	34	«Ленин йўли» колхози	Калинин	1664	1509	+155	3295	2867	+428
33	49	«Октябрь» колхози	Оржоникидзе	1658	1758	—100	4430	4520	— 90
34	57	«Партия XX съезди» колхози	Калинин	1634	1626	+ 8	2272	2156	+116
35	29	1-«Далварзин» совхози	Бекобод	1626	1625	+ 1	7091	6436	+665
36	85	Ильич номли колхоз	Бўка	1619	1270	+349	2250	1537	+713
37	39	«Москва» колхози	Калинин	1617	1631	—14	1940	1794	+146
38	43	«Ленинград» колхози	Қўйи Чирчиқ	1614	1554	+ 60	4325	4121	+204
39	86	Мичурин номли колхоз	Бўка	1612	1144	+468	1951	1304	+647
40	25	Ленин номли колхоз	Бекобод	1612	1332	+280	4480	3157	+1323
41	15	Навоий номли колхоз	Бекобод	1605	1102	+503	947	2600	—1653
42	12	«Олмазор» совхози	Чиноз	1599	1565	+ 34	1647	1471	+176
43	41	Куйбишев номли колхоз	Оққўрғон	1574	1511	+ 63	2565	1964	+601
44	55	Куйбишев номли колхоз	Калинин	1572	1569	+ 3	2208	2087	+121
45	67	«Ленин йўли» колхози	Бўка	1566	1255	+311	2850	1920	+930
46	52	Ильич номли колхоз	Калинин	1564	1513	+ 51	3489	3011	+478
47	75	«Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси	Калинин	1553	1688	—135	2221	2195	+ 26
48	78	2-«Пискент» совхози	Пискент	1540	1492	+ 48	6297	5758	+539
49	62	«Партия XX съезди» колхози	Бўка	1538	1227	+311	1800	1325	+475
50	44	Охунбобоев номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1535	1227	+308	2395	1890	+505
51	37	«Келес» совхози	Калинин	1532	1418	+114	1885	2255	—370
52	51	«Дўрмон» совхози	Оржоникидзе	1530	1529	+ 1	1420	1320	+100
53	102	Ҳ. Олимжон номли колхоз	Оққўрғон	1528	1369	+159	2414	1903	+511
54	45	«Огонёк» совхози	Қуйи Чирчиқ	1523	1457	+ 66	1337	2886	+451
55	32	«Ўзбекистон» колхози	Юқори Чирчиқ	1513	1420	+ 93	6976	6050	+926
56	16	С. Раҳимов номли колхоз	Калинин	1510	1449	+ 61	3535	3391	+144
57	28	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Чиноз	1506	1274	+232	1883	1414	+469
58	61	«Ленинобод» колхози	Оққўрғон	1499	1294	+205	3253	2510	+257
59	70	Энгельс номли колхоз	Қуйи Чирчиқ	1493	1466	+ 27	3510	3226	+284
60	93	«Ленинобод» колхози	Бўка	1486	1079	+407	1590	1047	+543
61	63	«Партия XIX съезди» колхози	Бўка	1477	1120	+357	2157	1355	+802
62	94	Охунбобоев номли колхоз	Калинин	1470	1302	+168	3460	2983	+477
63	47	А. Икромов номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1467	1125	+342	1600	1283	+317
64	63	Навоий номли колхоз	Калинин	1461	1365	+ 96	3844	3509	+335
65	84	«Бўсув» совхози	Калинин	1459	1267	+192	3824	3522	+302
66	31	«Серго» совхози	Оҳангарон	1458	1037	+421	2000	1310	+690
67	65	Ворошилов номли совхоз	Оҳангарон	1452	1645	—193	4490	4360	+130
68	90	«Оққўрғон» совхози	Оққўрғон	1452	1182	+270	6810	5010	+1800
69	97	Фрунзе номли колхоз	Бўка	1447	1232	+215	1953	1552	+401
70	68	Навоий номли колхоз	Чиноз	1441	1171	+270	1456	1004	+ 23
71	105	Жамбул номли колхоз	Бўка	1437	1004	+433	1452	914	+538
72	98	«Заря Коммунизма» колхози	Қуйи Чирчиқ	1436	1605	—169	3447	3724	—277
73	99	К. Маркс номли колхоз	Бўка	1430	1053	+377	1702	1127	+575
74	58	Н. Ниёзов номли колхоз	Янгийўл	1416	1270	+146	2648	2235	+413
75	74	«Москва» совхози	Калинин	1416	1386	+ 30	1303	1150	+153
76	96	«Ленинизм» колхози	Оққўрғон	1416	1116	+300	1359	1149	+210
77	79	Киров номли ўқув хўжалик	Ўрта Чирчиқ	1416	1473	—57	5426	5245	+181
78	107	Энгельс номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1415	1063	+325	2208	1840	+368
79	50	К. Маркс номли колхоз	Бўстонлиқ	1402	1321	+ 81	1921	1836	+85
80	60	Волков номли совхоз	Қуйи Чирчиқ	1388	1467	—79	5498	4930	+568
81	82	Жданов номли колхоз	Бўстонлиқ	1387	1369	+ 18	2413	2327	+ 86
82	56	«Ленинград» колхози	Бўстонлиқ	1382	1249	+133	2114	2099	+ 15
83	83	«Чорвоқ» совхози	Бўстонлиқ	1381	979	+402	2210	1880	+330
84	112	«Озод» колхози	Оққўрғон	1379	1265	+114	2276	1821	+455
85	71	«Қорасув» совхози	Калинин	1376	1266	+110	2862	2596	+266
86	53	«Оҳангарон» совхози	Оҳангарон	1374	1346	+ 28	10220	8430	+1790
87	72	«Интернационал» колхози	Янгийўл	1366	1429	—63	1953	1672	+281
88	91	Гагарин номли совхоз	Калинин	1359	1357	+ 2	2175	2036	+139
89	125	«Маданият» колхози	Оржоникидзе	1357	1280	+ 77	3730	3430	+300
90	120	«Коммунист» колхози	Оржоникидзе	1357	1481	—124	3420	3290	+130
91	110	Калинин номли колхоз.	Пискент	1355	1391	— 36	2060	1948	+112
92	92	«Қизил-Ту» колхози	Бўстонлиқ	1352	1138	+214	2109	1958	+151
93	48	Ленин номли колхоз	Калинин	1350	1340	+ 10	2728	2587	+141
94	80	«Юқори Чирчиқ» совхози	Юқори Чирчиқ	1338	1475	—137	2382	2287	+ 95
95	132	Фрунзе номли колхоз	Янгийўл	1336	1257	+ 79	2352	2099	+253
96	87	3-«Далварзин» совхози.	Бекобод	1324	1017	+307	1880	1800	+ 80
97	87	Ҳ. Турсунқулов номли колхоз	Янгийўл	1322	1257	+ 65	4031	3319	+712
98	68	Киров номли колхоз	Чиноз	1321	1232	+ 89	2180	2009	+171
99	122	«Бўка» совхози	Бўка	1320	1121	+199	4751	3991	+760
100	108	«Гулистон» совхози	Пискент	1320	1020	+300	2627	2041	+586
101	101	«Коммунизм» совхози	Қуйи Чирчиқ	1312	1324	—12	2926	2966	—40
102	77	«Москва» колхози	Қуйи Чирчиқ	1310	1066	+244	1585	1344	+241
103	118	«Партия XXII съезди» колхози	Оққўрғон	1309	1194	+115	2081	1648	+433
104	138	Калинин номли колхоз	Оққўрғон	1306	1011	+295	1384	920	+464
105	69	«Паркент» совхози	Юқори Чирчиқ	1304	1344	—40	2687	2620	+ 67
106	128	Фрунзе номли колхоз	Бўстонлиқ	1295	1342	—47	2370	2295	+ 75
107	116	«Победа» колхози	Бекобод	1290	1206	+ 84	2465	2520	—55
108	103	«Ангрен» совхози	Оҳангарон	1278	1197	+ 81	5750	4230	+1520
109	81	«Северный маяк» колхози	Ўрта Чирчиқ	1275	1124	+151	3559	3069	+490
110	100	Охунбобоев номли колхоз.	Чиноз	1274	1376	—102	2395	2960	—565
111	46	«Назарбек» совхози	Калинин	1272	1109	+163	1348	1320	+ 28
112	111	«Хасково» совхози	Калинин	1270	1218	+ 52	3786	3497	+289
113	115	Ленин номли колхоз	Янгийўл	1265	1215	+ 50	4869	4496	+373
114	117	«Москва» колхози	Чиноз	1263	1131	+132	1403	1300	+103
115	73	Тошкент от заводи	Оҳангарон	1259	1389	—130	7450	8480	—1030
116	67	К. Маркс номли колхоз	Юқори Чирчиқ	1256	1241	+ 15	3405	2966	+439
117	88	Оржоникидзе номли колхоз	Калинин	1252	1239	+ 13	2242	2230	+ 12
118	152	Киров номли колхоз	Қуйи Чирчиқ	1251	1130	+121	2290	2125	+165
119	147	4-«Далварзин» совхози	Бекобод	1244	1170	+ 74	2924	2659	+265
120	95	«Ленинобод» колхози	Юқори Чирчиқ	1241	1230	+ 11	2743	2374	+369
121	126	Жданов номли колхоз	Янгийўл	1239	1127	+112	1982	1600	+382
122	106	Дзержинский номли колхоз	Бекобод	1233	960	+273	3700	2997	+703
123	137	Ленин номли колхоз	Оржоникидзе	1230	1185	+ 45	4530	4350	+180
124	76	Калинин номли колхоз	Янгийўл	1230	1207	+ 23	2350	2100	+250
125	104	Свердлов номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1229	1133	+ 96	2053	1836	+217
126	123	«Хўжакент» совхози	Бўстонлиқ	1220	1226	— 6	7296	7258	+ 38
127	141	1-«Пискент» совхози	Пискент	1213	1204	+ 9	6030	5117	+913
128	157	«ЎзССР 30 йиллиги» колхоз	Чиноз	1212	1144	+ 68	1866	1477	+389
129	113	«Партия XXII съезди колхоз	Ўрта Чирчиқ	1211	1186	+ 25	1368	1222	+146
130	127	«Ленинград» совхози	Калинин	1207	1207	—	2607	2450	+157
131	139	Энгельс номли колхоз	Юқори Чирчиқ	1205	1291	—86	2530	2659	—129
132	119	«Коммунизм» колхози	Бекобод	1202	1267	—65	1873	1800	+ 73
133	130	Ленин номли колхоз	Пискент	1201	1114	+ 87	1934	1704	+230
134	166	«Коммунизм» колхози	Оққўрғон	1200	1057	+143	1632	1300	+332
135	136	«Ўртасарой» парранда фабрикаси	Ўрта Чирчиқ	1200	1652	—452	2341	3288	—947
136	156	«ЎзССР 50 йиллиги» колхози	Пискент	1200	—	—	180	—	—
137	131	С. Раҳимов номли совхоз	Оҳангарон	1199	1393	—194	3900	4180	—280
138	124	«Ленинизм» колхози	Бўка	1195	939	+256	1733	1202	+531
139	135	С. Сегизбоев номли совхоз	Оққўрғон	1185	1157	+ 28	4955	4200	+755
140	114	Ойбек номли совхоз	Бекобод	1184	1177	+ 7	2724	2412	+312
141	109	У. Юсупов номли комбинат	Янгийўл	1177	1453	—276	1671	5509	—3838
142	134	Вахрушев номли совхоз	Пискент	1171	1380	—209	1200	1422	—222
143	153	«Қизил Октябрь» колхози	Чиноз	1166	1228	—62	1773	1806	—33
144	129	«Бўстонлиқ» совхози	Бўстонлиқ	1162	1063	+ 99	4717	4272	+445
145	169	Терешкова номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1155	934	+221	1340	944	+396
146	149	Охунбобоев номли колхоз	Пискент	1154	1181	—27	2711	2634	+ 77
147	167	«Коммунизм» колхози	Ўрта Чирчиқ	1151	1065	+ 86	1623	1460	+163
148	145	«Правда» колхози	Оржоникидзе	1146	1057	+ 89	4020	3580	+440
149	143	«Олмалиқ» совхози	Оҳангарон	1138	933	+205	2910	2760	+150
150	146	Свердлов номли колхоз	Пискент	1131	9158	+216	2635	2086	+549
151	162	«Октябрь 50 йиллиги» совхози	Бекобод	1130	1193	—63	90	1300	—1210
152	142	Ленин номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1129	1106	+ 23	1626	1460	+166
153	144	К. Маркс номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1125	1028	+ 97	2420	1943	+477
154	154	Охунбобоев номли колхоз	Оққўрғон	1099	1125	—26	1341	1193	+148
155	133	«Гулистон» колхози	Юқори Чирчиқ	1092	963	+129	2653	2821	—168
156	168	«Кўкорол» совхози	Бўка	1087	908	+179	2706	2044	+662
157	150	«Коммуна» колхози	Юқори Чирчиқ	1078	1090	—12	3265	3281	—16
158	146	«Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози	Бўстонлиқ	1075	1009	+ 66	2504	2311	+193
159	140	Свердлов номли колхоз	Янгийўл	1071	1011	+ 60	4925	4649	+276
160	175	«Партия XXIV съезди» совхози	Чиноз	1061	1135	—74	1326	1475	—149
161	155	Куйбишев номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	1058	922	+136	1990	1790	+200
162	161	«Тошкент» совхози	Калинин	1050	1084	—34	2163	2298	—135
163	170	«Партия XXI съезди» колхози	Янгийўл	1046	702	+344	1276	934	+342
164	151	Тельман номли колхоз	Пискент	1040	1097	—57	1477	1426	+ 51
165	168	Калинин номли совхоз	Ўрта Чирчиқ	1031	788	+243	1805	1387	+418
166	158	Калинин номли колхоз	Юқори Чирчиқ	993	1196	—203	2493	2657	—164
167	165	К. Маркс номли колхоз	Оққўрғон	986	962	+ 24	1252	991	+261
168	164	Калинин номли колхоз	Бўстонлиқ	891	1001	—20	1462	1382	+ 80
169	163	Ленинград совхози	Бекобод	981	845	+ 1	1868	1580	+288
170	169	К. Маркс номли колхоз	Чиноз	980	1117	—137	1510	1810	—300
171	172	С. Раҳимов номли колхоз	Чиноз	974	978	— 4	1218	1174	+ 44
172	171	Энгельс номли колхоз	Чиноз	982	938	— 4	1027	1004	+ 23
173	173	Навоий номли колхоз	Оққўрғон	836	1471	—635	395	1559	—664
174	121	«Янгиобод» совхози	Чиноз	334	—	—	334	—	+334

Республика радио телемаркази комплекси янада кенгаймоқда. Телемарказ учун қурилган бинода рангли телевидениега мўлжалланган янги аппаратуралар ўрнатиляпти. Бу ишлар барчаси амалга оширилгач, республика телемарказ фақат рангли кўрсатувларни намойиш этади. Ҳозир Тошкент ва Бутуниттифоқ телевиденне илмий текшириш институтининг мутахассислари аппаратларни созлашмоқда. Суратларда: (юқорида) катта видео инженер Шуҳрат Муҳримов ва механик И. Крупенчук.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҲАР ТУПДА 5—8 КЎСАК

Бекобод районидаги Навоий номли колхоз пахтакорлари ғўза парваришини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Колхознинг Тўра Янгибоев бошлиқ бригадасида ғўза парваришн ҳар йилгидан сифатли ўтказиляпти. Бригада аъзолари 95 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Бригада механизатори Абдаз Нуралиев ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бермоқда. Исмоил Ҳазратқулов, Алим Эрназаров, Михлибой Маматовлар ғўзаларни қондириб суғоришга катта эътибор бермоқдалар. Бригадада иккинчи ва учинчи суғориш шарбат оқизиш йўли билан олиб борилмоқда.

Ҳозиргача бригада ғўзаларига тўрт марта ишлов берилди. Июль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб чеканка қилишга киришилади. Яхши ишлов берилган ғўзаларда ҳозирдаёқ 5-8 тадан кўсак вужудга келди.

Т. МАҲКАМОВ.

ОЛТИН ҚЎЛЛАР

ЧОРАК АСР ШАРАФИГА

Ўтган йили Хан бошлиқ бригада довруғи Иттифоқимизга ёйилди. У ҳар гектар майдондан 52 центнердан «Оқ олтин», 227 центнердан канап, 55 центнердан шоли олди.

Бригаданинг жасорати ҳақида ҳужжатли фильмлар яратилди, марказий газеталарда ёзилди. Биргина Свердлов номли колхоз ўзида пахтакорликка сарфланган чорак аср уни улуғлади. Партия ва ҳукуматимиз Петр Хан кўксига Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь Революцияси орденлари ва қатор медалларни тақиб қўйди.

Бунчалик катта шуҳрат олдида пахтакор ўзини йўқотмади, балки халқ бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилишни ўзига эзгу мақсад деб билди. У пахта, канап, шоли етиштиришда донг таратиб, чинакам меҳнат намунасини кўрсатди.

Бу йил Хан бригадасининг даласи янада серфайз. Мовий дангизни эслатувчи пахтазордаги ҳар туп ниҳоллар 2—3 тадан кўсак. Беш йилликнинг белгиловчи йилида бригаданинг ахди янада юксак. Гектаридан 55 центнердан!.

Айтишгагина осон. Аслида-чи?

— Аслида ҳам қийин, ҳам шарафли, — дейди Петр. — Қийинлиги шундаки, бу йил табиат ўта инжиклик кўрсатмоқда. Сув танқислиги деҳқоннинг анча ташвишга солди. Лекин, биз бу тўсиқлар олдида тиз чўкмадик. Ҳар туп ғўзага қалб кўримизни бердик.

ГЕКТАРЛАР ТЎЛА БЎЛДИ

Бригада ютуқлари ҳақида гап борганида Петр Хан ўзи эмас, балки бригадасидаги моҳир сувчилар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ен Гу Ли, Владимир Ли, Ж. Мусабеков, Б. Отақўзиев, механизатор — А. Ғаффоров, колхозчи Любовь Цойлар ҳақида завқ-шавқ билан сўзларди. «Бригадани пешқадам қилган шулар», — дейди у.

Бир неча йилдан бери пахтакорликнинг машаққатли онлари-ю, тотли дамларини бирга баҳам кўриб келаётган бригада аъзолари ўз сардорларидан ҳурсанд. Унинг меҳнатсеварлиги, камтарлиги, сергайратлилигига қойил қолишади. Бригадирнинг юзини шувут қилмасликка интилишади. Чўнки, улар учун бу йилнинг ўзига хос ўзгачалиги бор. Йил охирида Петр Хан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган кунинг чорак асрлигини нишонлашади. Бу санани меҳнатда муносиб ютуқлар билан нишонлаш эса бригадир учун катта совғадир.

«ЯЛАНГТЎШ»

Муҳаммад Маҳкамовни биринчи бор кўрган одам кўп йиллар ишлаган пахтакордан кўра ҳозиргина енг шимариб, курашга тушиб кетадиган полвонга ўхшатади. Ўрта бўйли, кенг елкали, бақувват, гавдали. Қирқ ёшлар чамасидаги бригадир оддий кетмончи, сувчи, звено бошлиғи, бўлган.

Ҳозир Кетмонтепа қишлоғида Муҳаммад аканинг исмини айтсангиз, унчалик танишмайди. «Ялангтўш» дейишингиз билан у ҳақда илиқ суҳбат бошланади. Қишлоқ аҳолиси унга бу лақабни бекорга бермаган. Йиллаб қақраб ётган адрлар бағридан ер очиб, колхоз бойлигига бойлик қўшганлиги, ёз жазирамасида-ю, қишнинг қирчиллама чилласида ҳам колхоз учун жон куйдириб юрганлиги учун бу номга сазовор бўлган.

Утган йили унинг бригадаси 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 ўрнига 38 центнердан ҳосил олди. 37 гектар канопнинг ҳар гектаридан 175 ўрнига 200 центнердан топширди. Рақамларни таққослаганда ютуқ дарҳол кўзга ташланади. Лекин мўлжалдагидан ошириб ҳосил топширишнинг ўзи бўлмайди. Қанча ғайрат, қанча маҳорат ва билимдонлик керак.

Билимдонлик, деб бежиз айтаётганимиз йўқ. М. Маҳкамов колхозда ташкил этилган иқтисодий билим асосларини ўрганиш мактабида қатнаша бошлади-ю, бригада кўрсаткичларида ўзгариш ясалди. Колхоз партия ташкилоти қошидаги сиёсий маориф кабинетининг мудири Х. Юсупов колхоз партия ташкилотининг секретари Бойботировлар бригадирга ўз меҳнати самараларини иқтисодий анализ қилишда яқиндан ёрдам бердилар.

Энди унинг бригадаси илғорлар сафида. Пахтакорлар бу йил гектаридан 46 центнердан ҳосил олишмоқчи. Бунга яраша меҳнат қилинди. Ғўзалардаги бўлиқ кўсаклар мажбуриятнинг ортиғи билан бажарилишидан далолат бериб турипти.

МИНБАРДАГИ СЎЗ

Бундан роса беш йил аввал Узбекистон КП Марказкомнинг мажлислар зали ёш маккажўхорикорлар билан лиқ тўлди. Слёт очилгандан кейин республикамизнинг турли областларидан келган ёшлар ўз иш тажрибалари ҳақида сўз бошладилар.

Ҳамманинг нигоҳи минбарда. Мажлис раиси «сўз Абдусаттор Абдуллаевга» деганда зал олқишга тўлди. Бу бежиз эмасди. Абдусатторнинг маккажўхорикорлар мактаби ўша йилиёқ республикага танилганди.

У минбарда узоқ сўзлади. Ҳаяжонланаётгани шундоққина билиниб турарди. Дастлаб ёш бригадир гектару, рақамларни санади, ҳар гектаридан 100 центнердан дон, 400 центнердан кўк поя олишга эришамиз, — деб сўз берди.

Ўтган йили бригадир орзуси ушалди. Ёшлар коллективи 100 гектар маккажўхорининг ҳар гектаридан 450 центнердан кўк поя, 103 центнердан дон олди. Бригада бошлиғи кўксида Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар ярқиради. У Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ёшлар бу йил гектаридан 110 центнердан дон, 500 центнердан кўп поя олишмоқчи.

— Сўзимиз қатъий, — дейди А. Абдуллаев, — ёшлар жазм қилган иш албатта амалга ошади. Чунки, биз ваъдамизни бажариш учун вақт билан ҳисоблашмай уюшқоқлик кўрсатиб ишлаймиз.

С ҲАСАНОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҲУКУМАТ ТУЗИЛДИ

САН-ТОМЕ, 15 июль. (ТАСС). Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикасининг биринчи ҳукумати тузилди. Бу республика 12 июль куни ўзини мустақил деб эълон қилган эди. Ҳукуматга Мигэл Тровоада бошчилик қилади, у айни вақтда мудофаа ва ташқи ишлар министри ҳисобланади.

Республиканинг ҳозирги ҳукумати муваққат ҳукуматдир. Сан-Томе ва Принсипи ороллари озодлиги ҳаракати сиёсий бюросининг қарорига мувофиқ мамлакатнинг таъсис мажлиси уч ой муддат ичида республика конституциясини тасдиқлаши лозим. Шундан кейин президент сайлови ўтказилади ва янги ҳукумат тузатилади.

Республика президенти Мануэль Пинто да Коста янги ҳукуматнинг ташқи сиёсий йўли тўғрисида гапириб, давлат тинчтотув яшаш принципларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устави ва африка бирлиги ташкилоти хартияси принципларига амал қилади, деди. У Сан-Томе ва Принсипи халқининг мустақиллик учун олиб борган курашида унн қўллаб-қувватлаганликлари учун социалистик мамлакатларга миннатдорчилик билдирди. Президент республика янги революцион Португалия билан ҳамкорлик қилажагини айтди.

ФИРДАВСДА ФЕСТИВАЛЬ

ТЕҲРОН, 15 июль. (ТАСС). Қадимий замоннинг буюк шоири, тожик ва форс адабиётларининг классиги Фирдавсий юрти бўлмиш Фирдавс шаҳрида унинг ижодига бағишланган фестиваль очилди. Фестиваль вақтида бадиий кўргазмалар ишлаб турадн, Фирдавсий—ҳонлик қилинади. Эрон музикасининг концертлари ташкил қилинади. Фестиваль доирасида илмий конференция ҳам ўтказилади. Бу конференцияда ажнабий эроннабий эроншунослар, шу жумладан, совет шарқшуносларн иштирок этадилар.

ҲИНДИСТОНДА ҲОСИЛ ЯХШИ

ДЕҲЛИ, 16 июль. (ТАСС). Ҳиндистон қишлоқ хўжалик ва ирригация министри Ж. Рам бир қанча штатларнинг министрлари билан учрашувлар ўтказганидан кейин бу йил мамлакатда ҳосилнинг яхши бўлиши кўриниб турибди деган хулосага келди.

Бу йил ёмғирлар ўз вақтида ёққанлиги мана шундай хулосага келишга биринчи асос бўлди. Штатларда органик ва минерал ўғитларнинг зарур запаслари жамғариб қўйилди. Марказий ҳукумат деҳқонларга кредитлар тарқасида бериладиган ёрдамни кўпайтирди.

Тунис Республикаси пойтахти — Тунис мамлакатнинг йирик саноат шаҳарларидан биридир.

Суратда: шаҳар бозори. Пойтахт марказидаги меҳмонхона. Президент саройи соқчиси.

В. Соболев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

СЎЛИМ ОРОМГОҲ

— Хуш келибсизлар, — деб пешвоз чиқишди дам олиш уйи ходимлари бухоролик меҳмон Хўжа Бишенов қаршисига.

Хўжа ака «Ромитон» совхозидаги ўрта мактабда дарс берарди. Имтиҳонларни тугатиб, меҳнат отпускасини олди-ю, оила аъзолари билан Чирчиқ яқинидаги «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйи томон отланди. Ўзи билан бирга умр йўлдоши Назокатхон ва уч фарзандини ҳам ола келди.

Хўжа ака бу дам олиш уйининг довруғини касбдошидан эшитган эди. Дарвозадан кирди-ю, қуюқ дарахтзорларга, гулхандек ловуллаб кўзни олаётган гулзорларга, суви жимирлаб турган мовий ҳовузларга, биллурдек кўкка сув пуркаб турган фаввораларга боқиб бахри-дили очилиб кетди. Радио орқали таралаётган куй ва қўшиқлар киши қалбига ором бағишларди.

Дам олиш уйи ходимлари янги келган меҳмонларни сершох сада остидаги кўркам каттедж томон бошлашди. Бир-биридан шинам хоналарга гарнитурлар қўйилган, оқ чойшаблар тўшалган.

— Ўзингизни уйингиздагидек ҳис этаверинг, ҳозир бемалол бир оз ҳордиқ чиқаринглар. Ҳа демай тушликка таклиф этамиз.

Хўжа ака дарров қўшни каттедждаги дам олувчилар билан танишиб олди. Трактор заводи ишчилари И. Шарипов, Ф. Комиссаров, Каттақўрғон районидаги 17-мактаб ўқитувчилари Ҳамид Рашидов, Жўрақул Қурбонбоевлар ҳам кечагина бу ерга келишган экан.

— Қани юринг, Хўжа ака, — деди Ҳамид Рашидов, — олдин боғ ва гулзорларни айланиб чиқайлик. Ҳоврингиз кўтарилади. Катта сув бўйидаги чойхонага ўтиб, бир пиёла чой ҳам ичиб келамиз.

Ҳамкасблар сайлга отланишди. Дам олиш уйи 36 гектарга чўзилиб кетган. Текис йўлкаларнинг икки бўйидан шарқираб оқаётган зилол сувлар овозига шохдан-шохга қўниб сайраётган булбуллар жўр бўлмоқда. Дарахтзорлар орасидаги оқиш корпусларда ўтган ярим йил мобайнида салкам 8 минг киши 12 кунлик йўлланмалар билан дам олди. 2 мингга яқин киши эса бир кунлик йўлланмалар билан ҳордиқ чиқарди. Кейинги уч йил давомида бу ерда оилавий дам олиш йўлга қўйилган. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида 3420 киши ўз оила аъзолари билан дам олиш уйида бўлди. Шу кеча-кундузда 600 киши меҳнат отпускасини шу сўлим оромгоҳда ўтказяпти. Уларнинг кўпчилиги оила аъзолари билан бирга келишган.

Дам олувчиларнинг болалари учун бу ерда жуда катта гамхўрлик қилиниб, уларга барча қулайликлар яратиб берилган. Болалар учун махсус майдонча бунёд этилган. Майдончага МОД-100, МОД-88 маркали аттракцион қурилмалар ўрнатилган. Санъатга қизиққан болалар учун эстрада майдончаси ҳам қурилган. Кечқурунлари улар ўз ота-оналарига талантларини намойиш қилмоқдалар. Ш. Турсунбоева, М. Курносова каби тарбиячилар болалар бошида парвона. Мавжуд ГАИ пости ходимлари болаларга кўча ҳаракати қоидаларини ўргатишмоқда. Уларнинг автобусларда хушманзара жойларга саёҳатга олиб чиқишяпти.

Болалар ўз ота-оналари билан бирга яқинда В. И. Ленин номли музейнинг Тошкент филиалини, Чорвоқ денгизи, республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини тамоша қилишди. Республикамиздаги донгдор кишилар билан учрашишди.

Кечқурунлари дам олиш уйи хиёбонлари яна ҳам гавжумлашиб кетади. Бир томонда бадиий ҳаваскорлар ўз санъатлари билан меҳмонларни мамнун этишса, иккинчи томонда турли спорт мусобақалари бошланади.

Яқинда дам олувчилар ҳузурига бир группа санъаткорлар меҳмон бўлишиб келишди. Кинорежиссёр Борий Хўжаев табиат ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар яратиш санъати ҳақида сўзлаб берди.

Яқин чиқаётган фильмлар биринчилар қатори дам олиш уйи меҳмонларига қўйиб берилади.

Дам олувчиларга 190 киши хизмат кўрсатаяпти. Улардан 122 киши коммунистик меҳнат зарбдори номига сазовор бўлган. Ҳар бир ходимнинг ўз мажбурияти бор. Ишни улар юксак мажбурият асосида ташкил этиб, кўрсатилаётган маданий хизмат савиясини тобора оширмоқдалар.

— Эзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам боғларимиз оралаб баҳор шабадаси эсиб туради, — дейди дам олиш уйининг директори И. Н. Пивень, — ҳозир биз икки гектар майдонда микроклимат яратяпмиз. Монтажчилар сув пурковчи трубаларни монтажлашга киришдилар. Келажакда дам олиш уйи янада салқинлашади, гўзаллашади.

Дам олиш уйи ходимларининг ҳалол хизмати муносиб тақдирланмоқда. Уларга ўтган даврдаги хизматлари учун ВЦСПСнинг I, II, III даражали дипломлари, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги юбилей дипломи, область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзларининг дипломи тақдим этилди. Меҳнаткашларга кўрсатилаётган намунали маданий-маиший хизматлари учун дам олиш уйига коммунистик меҳнат муассасаси номи берилди. Коллектив ҳозир шу номга яраша меҳнат қилиб, дам олувчилар ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Суратда: «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйида. А. Абалян фотоси.

Ер билан «Союз» ва «Аполлон» космик кемалари ўртасидаги алоқа бир секунд ҳам тўхтамай давом этмоқда. Бунинг учун океан лайнерлари ҳам хизмат қилади. Суратда: «Космонавт Юрий Гагарин» теплоходи алоқа ўрнатиш учун рейсга жўнамоқда.
И. Павленко фотоси, ТАСС фотохроникаси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЯНГИ КЎРГАЗМА

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида янги тематик кўргазма тайёрланмоқда. Июль ойининг охирида очиладиган бу кўргазма «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимларининг пахтачиликка қўшган ҳиссалари» деб аталади.

Кўргазма экспозицияларини тайёрлашда республика Фанлар академияси системасидаги барча илмий-тадқиқот институтлари иштирок этишмоқда. Виставкага келган томошабинлар бу ерда пахтанинг энг янги навлари билан танишадилар, вильтга қаршн олиб борилаётган кураш тўғрисида муфассал маълумот оладилар.

— Экспонатларни тайёрлашда бизга эксперимент биология, химия, механика институтлари айниқса яқиндан ёрдам бермоқдалар, — деди виставка бош методисти Т. Муҳамедова. — Кўргазмамиз тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларида катта қизиқиш уйготади, деб ўйлаймиз. Чунки, унда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, вильтга чидамли пахта навлари, янги ўғит намуналари намойиш қилинади.

«ҒАЛАБА БОҒИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Турли қизиқарли тадбирлар тез-тез ўтказиб турилганлиги учун ҳам дам олувчилар «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғи ходимларидан беҳад миннатдор бўлмоқдалар. Боғда дам олувчилар учун барча шароитлар мавжуд. Турли атракционлар, қайиқ станцияси ишлаб турипти.

Бу ерда шунингдек, республика колхозлари маданият уйлари бадиий ҳаваскорларининг кўрик-конкурси ўтказилмоқда. Ҳар ҳафтанинг жўма оқшомида истироҳат боғи янада гавжумлашиб кетади. Шаҳарликлар бадиий ҳавоскорларнинг концертларини томоша қилиш учун шу ерга тўпланадилар. Ҳозиргача «Ғалаба» боғида Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Фарғона область бадиий ҳаваскорлари ўз маҳортларини намойиш қилдилар.

Шаҳримизнинг мусобақадош коллективлари боғда биргалашиб ҳордиқ чиқарадилар. Яқинда асбобсозлик ва абразив буюмлари заводларининг ўзаро мусобақадош ишчилари бу ерда учрашишди. Чойхона, кафе, ошхона павильонлари дам олувчилар хизматида бўлди.

Боғ маъмурияти турли байрамлар ҳам ўтказиб туради. Яқинда саломатлик кунига бағишланган байрам бўлиб ўтди. Энди эса табиат байрамига қизғин тайёргарлик қўрилмоқда.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

УЗБЕК ФУТБОЛЧИЛАРИ ФИНАЛДА

Сумгант шаҳрида ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёшлик» совғини учун Бутуниттифоқ турнирининг зонал мусобақалари бўлиб ўтди. Бу анъанавий турнирда республикамизнинг ёш футболчилари ҳам иштирок этиб, катта муваффақият қозондилар. Улар кескин курашлар пировардида финалга йўлланма олдилар.

Вакилларимиз группасида Озарбайжон, Ленинград, Грузия, Эстония ва Литваннинг кучли ёш футболчилари ўзаро мусобақалашдилар. Ўзбекистонликлар ўз тенгдошлари билан бўлган учрашувларда юксак маҳорат намойиш қилиб, турнир жадвалида иккинчи ўринни ишғол қилишди. Улар беш ўйин ўтказиб, икки ютуқ, икки дуранга эришдилар.

Биринчи ўринни Озарбайжон командаси эгаллади. Озарбайжон вакиллари беш ўйиндан биттасидагина мағлубиятга учрашди. Қолганларининг ҳаммасини ғалаба билан тугатишди

Энди икки голиб команда август ойида финалда учрашадилар

Р. УМАРОВ,
спорт мастерлигига номзод.

КУЧЛИЛАР БИЛАН ТЕНГМА ТЕНГ

Ленинграддаги «Юбилей» спорт саройида спорт гимнастикаси бўйича спартакиада программаси асосида мусобақалар давом этмоқда. Бунда Москва ва Ленинград ҳамда барча иттифоқдош республикаларнинг 250 гимнастикачиси ўзаро беллашмоқда. Улар орасида халқаро ва Бутуниттифоқ мусобақаларида бир неча бор олтин медалларни қўлга киритган ажойиб гимнастикачилар Туришчева, Корбут, Саъдий, Кошель, Ким, Андрианов, Клименко ва бошқа спортчилар бор. Эльвира Саъдий айни вақтда Ўзбекистон ва Москва командалари шарафини ҳимоя қилмоқда. У эркин программа мусобақаларидан сўнг 37,85 балл тўплаб, учинчи ўринда бормоқда. Бундай йирик мусобақаларда илк бор қатнашаётган тошкентлик Е. Лийтенбергер кучлилар билан тенгматенг беллашди. Гимнастикачимиз эркин машқда 9,35 балл тўплади. С. Ҳасанова 9,1 балл, Л. Кожина ва Е. Матковалар 9,0 баллдан олишди. Ўзбекистон гимнастикачилари 216,7 балл билан бешинчи ўринда боришмоқда.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ИСТЕЪДОД КЎРИГИ

Халқ талантлари учун катта ижодий имтиҳон палласи бошланди. ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Маданият министрлиги, СССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ҳунартехника таълими Давлат комитети томонидан ўтказилаётган бадиий ҳаваскорларнинг биринчи Бутуниттифоқ фестивали ўзининг навбатдаги босқичига қадам қўйди.

Фестивалнинг энг оммавий ва кўп киши қатнашадиган бу санъат байрами саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, мактаблар ва билим юртларида, техникумлар ва олий ўқув юртларида, районлар ва шаҳарларда бутун йил бўйи давом этади. Шу муносабат билан мухбиримиз область халқ ижодий уйида бўлиб, кўрикнинг бориши хусусида суҳбатлашди.

Халқ талантларининг Бутуниттифоқ фестивали ўзига хос катта маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Бу тадбир ўз кўлами ва тузилган программаси билан ҳам ажралиб турибди. Ижрочилик санъатининг барча турлари бўйича бўладиган конкурслар билан бир қаторда жойларда ашула байрамлари, ёш истеъдодлар асарлари кўргазмалари ҳам ташкил этилаётир.

Бундай тадбирлар областимизнинг саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларида, шаҳар ва районларида ҳам ўтказилади. Айниқса, қўшиқ кечалари, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари бўйича бўлган конкурслар жойларда катта қизиқиш уйготди.

Фестиваль голиби бўлиш учун бел боғлаган коллективлар намойиш қилган концерт программалари ҳам тематик ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Агар Тошкент халқ филармониясининг рақс группаси СССР халқлари рақс ўйинлари билан чиққан бўлса, Тошкент кабель заводи маданият уйи ҳаваскорлари «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди» деган адабий-музикали композицияни намойиш қилдилар. Тошкент электрон-техника заводи талантлари қардош республикалар рақслари бўйича концерт программасини тайёрлади. Бекобод цемент комбинати, Чирчиқ пойафзал фабрикаси, Тошкент тўқимачилар маданият саройлари коллективлари ҳам ижрочилик маҳоратларини намойиш қилдилар.

Олий ўқув юртларида бўлиб ўтган фестивалолди концертлари кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Айниқса, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ижтимоий касблар факультетида ташкил қилинган ҳаваскорлик коллективининг чиқиши жуда мароқли бўлди.

Фестиваль — ёш истеъдодлар ижрочилик маҳорати учун чинакам имтиҳон. Шундай экан, ундан муваффақиятли ўтиш учун пухта ҳозирлик кўриш, концерт программаларининг мавзу ва жанр жиҳатидан ранг-баранг бўлишига эришиш лозим. Аммо, областимиздаги кўпгина коллективлар тайёрлаган программалар бу талабларга тўла жавоб бера олмайди. Қишлоқ жойларида ишлаб турган ҳаваскорлик коллективлари орасида ижрочилик маҳорати ҳали етарли бўлмаганлари ҳам бор. Пискент, Бўка ва бошқа районларда ёш талантлар моҳир санъаткорлар ёрдамига муҳтождирлар.

Устига-устак, жойларда музикали ва хореографик коллективлар сони жуда кам. Халқ чолғу асбоблари оркестрлари репертуаридаги номерлар жанр жиҳатидан камбағал.

Пойтахтимиздаги театр ва концерт ташкилотлари яхши ташаббус бошлаб, ҳаваскорлик коллективларини ўз оталиқларига олишган эди. Лекин, Бутуниттифоқ кўриги давом этаётган бир вактда профессионал ижодий коллективларнинг амалий ёрдами етарли сезилмаётир. Ангрен, Бекобод, Олмалиқ каби шаҳарларда ишлаб турган ҳаваскорлик коллективлари ҳам устоз санъаткорлар маслаҳатларига муҳтождирлар.

Халқ талантлари билан ишлашга ижодий союзлар, санъатшунослик илмий-текшириш институтлари ҳам яқиндан бош қўшишлари лозим. Бадиий ҳаваскорларга эътибор кучайтирилса тўғарак иштирокчиларининг сони ортади, концерт программалари бойийди, ижрочилик маҳорати ортади. Натижада фестиваль қатнашчилари сафи моҳир ижрочилар ҳисобига кенгаяди.

Фестиваль кўригининг дастлабки натижалари чакки бўлмади. Ёш истеъдодлар ижодий кўрикнинг ҳал қилувчи босқичларидан ҳам муваффақиятли ўтадилар деган ниятдамиз.

А. АЛИЕВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

СУВ ИСРОФ БУЛМАСИН

Биз яшаётган янги Юнусобод массиви — пойтахтимизнинг гўзал манзарали масканларидан бири. Массив территориясини Қорақамиш, Чинқириқ ариқларидан оққан зилол сув кесиб ўтади.

Аммо, кўп қаватли янги тушган бинолар атрофидаги жойларни ободонлаштиришда бундай оби-ҳаёт манбаларидан фойдаланилмаяпти. Натижада ҳовлилардаги ниҳоллар, гуллар қуриб қолмоқда. Айрим уй эгалари эса эрталабдан кечгача водопровод сувини шланга орқали экинга сепиш билан банд бўладилар. Юқори қаватда истиқомат қилувчилар эса бир томчи сувга зор.

Бундай ҳолга 41-турар-жойдан фойдаланиш конторасн ходимлари бефарқ қарамоқдалар. Натижада массивнинг «А—4», «А—3» микрорайонларида истиқомат қилувчилар сувсизликдан қийналмоқдалар.

Ваҳоланки, уюшқоқлик, аҳиллик билан бундай кўнгилсиз ҳолларга йўл қўймасликнинг иложи бор. Масалан, Улуғ Ватан урушн инвалиди Мирҳалил ака Миргиёсов бошчилигида уй атрофларини кўкаламзорлаштириш учун ҳашар усули билан бир неча сотих ер текисланди, чуқурдан оқаётган ариққа чарх-чиғаноқ ўрнатилиб, сув чиқарилди. Ариқдан тўйиб сув ичган ниҳоллар гуркираб ўсмоқда.

Бу ишга Тошкент шаҳар Киров район ободонлаштириш идораси раҳбарлари, ЖЭК ходимлари бепарво қарамасликлари керак. Зероки, сув — ҳаёт демакдир.

Э. ҚОДИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Уч дугона... Гулгун чеҳрали бу қизлар баланд тоғ этакларидаги Бурчмулла дам олиш уйида ҳордиқ чиқаришмоқда.
А. Эгамназаров фотоэтюди.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 16.10 — Ўқув кўрсатуви. 17.15 — **Футбол: «Арарат» — «Динамо»** (Тб). 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — «Ёрқин». 18.35 — **Тошкент — Олмаота мусобақаси.** 19.05 — **«Ахборот».** 19.20 — Дўстларимиз ҳақидан. 19.40 — Ёзувчилар пахта далаларида. 20.10 — Ўн минут музика 20.20 — **«Ахборот».** 20.40 — **Саратон** (бадиий фильм). 22.00 — **Орбитада** туташтириш ҳақида репортаж (Москва). 22.30 — «Ўзбекистон чорвадори». 23.45 — МОСКВА. **Орбитадан репортаж.** 24.00 — **«Вақт».** 00.30 — Фильм-концерт. 01.15 — **Орбитада кўриниш** (репортаж). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Концерт. 19.25 — Шахмат мактаби. 19.55 — **Аргимчоқ** (телефильм). 21.10 — Янгиликлар. 21.15 — «Жасорат»нинг дала почтаси. 21.45 — Концерт. 22.00 — Қишлоқ ўз қиёфасини ўзгартирмоқда. 22.30 — **Эркаклар** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Кўғирчоқ фильм. 20.45 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.00 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — Телефильм.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Шахсий масалалар бўйича қабул куни — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ғалати қиз (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), **Қувиш** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), — «ҚОЗОҒИСТОН».

Маккенни олтинлари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сенинги, шошмай тур! (8 қисм) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Туҳмат қурбони; Тонг — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Мунофот (тоқ соатларда), **«Кўк илон» ҳалокати** (жуфт соатларда) — «ДРУЖБА».

Мозандарон шери — НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун).

Бир ишёқмас ҳаётидан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Дайди — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Эсавер, шамол! — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Мунофот — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Бошсиз чавандоз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Шахсий масалалар бўйича қабул куни — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким Зарипов раҳбарлигидаги

«ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ»

аттракционн учун абитурриентларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

16—22 ёшли маҳаллий миллат йигитлари қабул қилинади.

КОНКУРС 19 ИЮЛДА «ШАПИТО» ЦИРКИ (Киров кўчаси, 11-уй) да соат 18.00 да ўтказилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисида ҳужжат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 18-уй.

Тошкент область дорихоналар бошқармаси коллективи Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлими мудири Б. У. Тошбековга отаси

Усмонбек ТОШБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142.

Р—01606. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Р—3418.